O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 20 - iyul 361-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

Вилоят ҳокимининг 25.02.2022 йилдаги 90-3-0-Q/22-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Жиззах туманлараро маъмурий судининг 06.05.2022 йилдаги 5-1301-2202/175-сонли ҳал қилув қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 10- ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Жиззах туманлараро маъмурий судининг 06.05.2022 йилдаги 5-1301-2202/175-сонли ҳал қилув қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Жиззах туманлараро маъмурий судининг 06.05.2022 йилдаги 5-1301-2202/175-сонли ҳал қилув қарорига кўра, вилоят ҳокимининг 25.02.2022 йилдаги 90-3-0-Q/22-сонли қарорининг “Ғаллаорол тумани ҳокимининг 2017 йил 1 ноябрдаги 2943-сонли (туман ҳокимининг 2016 йил 20 майдаги 1302-сонли қарорини бекор қилиш тўғрисида) қарорини бекор қилиш масаласи суд тартибида ҳал этилиши манфаатдор тарафларга тушунтирилсин” деб белгиланган қисми ҳақиқий эмас деб топилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан манфаатдор томонларни хабардор қилиш вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Б.Бобоқулов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**